



YOSHILAR OVOZI



SPORT

МУСТАҚИЛЛИК МАРАФОНИ

барчани бирлаштирди

Республикамизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлаб, “Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида “Мустақиллик марафони” бўлиб ўтди.

3-саҳифага қаранг

MUNOSABAT

МУНОСИБ БЎЛИШ — БУРЧИМ

Ҳеч бир соҳада юксалиш осон кечмайди. Ҳар касбнинг ўзига яраша машаққати бўлади. Инсон камолот йўлида қоқилиши, панд ейиши мумкин. Муҳими, интилишдан тўхтамаслик, сабот билан давом этиш, ошиб ўтиш, янгилаш-янги марраларни забт этишга куч топишдир. Шунда инсон тобланади, иродаси мустаҳкам бўлади. Доноларимиз “Элни маърифат асрайди”, деб бежиз айтмаган. Маърифат ёғусини эса, устоз-муаллим улашади. Жаҳид боболаримиздан бири Абдулла Авлоний “Ҳар бир кимлатнинг саодати, давлатларнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир”, деб ёзган эди. Чиндан ҳам ўқитувчилар-

нинг меҳнати оғир. Бугун истиқлол эгалари бўлиш ёш авлодни билимли, саводхон, маънавий баркамол қилиб вояга етказишда уларнинг ўрни бекимс. Мен ҳам шу улғу касбнинг этагини тутганимдан бениҳоя шодман. Ҳозирда Бухоро муҳандислик технологиялари институтида таҳсил оляпман. 2017 йилдан буён Ёшлар иттифоқининг институт бошланғич ташкилоти етакчисиман. Бугунга қадар қатор услубий қўлланма, мажмуа ва илмий мақолаларим чоп этилган. Келажакда соҳамни мукамал ўрганиб, инновацион фояларни амалга оширишни, юрт равнақи учун ўз ҳиссамни қўшишни мақсад қилганман. Камта-

рона хизматларим учун берилган “Келажак бунёдкори” медални эса, шижоатимни янада оширди. Ўзимга бўлган ишончим ортди. Эътибор берсак, мукофотнинг номланишида катта маъно мужассам. Келажак бунёдкори деганда кўз олдимизга Ватанимиз истиқболи учун ёниб-қуядиган, заҳмат-каш, интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар келади. Ўйлайманки, мазкур медал юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида изланаётган, меҳнат қилаётган навқирон авлодга таянч бўлиб хизмат қилади.

Бобур РУСТАМОВ,
“Келажак бунёдкори”
медални соҳиб

ИШЛАЙДИГАН ДАВРИМИЗ КЕЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони тизимни бошқаришнинг самарали механизмларини амалиётга жорий этиш, ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга хизмат қилади. Шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини қўллашга кўмаклашади. Мазкур фармон таълим муассасалари ходимлари зиммасига ортқича вазифаларни юклаш, касбий фаолиятга асоссиз аралашув, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан мактабларни ортқича текшириш каби самарасиз механизмга барҳам беради. Эндилликда муваффақиятли фаолият юритаётган

мактаблар негизда тармоқчи мактабларни ташкил этиш, ушбу тармоқча паст коэффициентли мактабларни киритиш борасидаги ҳаракатлар биз, раҳбарларнинг масъулиятимизни ҳам оширади. Педагогларнинг ўзига бўлган талабини кучайтиради. Энг сара, билимли, салоҳиятли кадрларни соҳага жалб этиш механизми ишга тушади. Бу эса фарзандларимизнинг яхши таълим-тарбия олиши, билимларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. 2019 йил 1 январдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича тузилган рейтинг натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши соғлом рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади.

Бу рейтингни кўтаришга бўлган интилиш таълим сифатининг ошишида муҳим омил бўлади. Таълим тизимида кадрлар масаласи оғриқли нуқтага айланиб бораётган эди. Махсус сиртқи таълимнинг қайта очилгани, умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсионерларга, уларнинг таълим муассасасидаги фаолияти асосий иш жойи ҳисобланган тақдирда, пенсия тўлиқ миқдорда тўла-ниши ҳақидаги имтиёзлар тизимдаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади. 2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасаларига ўқувчиларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона инте-рактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади. Бу очиқлик, ошқоралиқни таъминлаш баробарида, коррупциянинг олдини олади. (Давоми 2-саҳифада)

БЕЛАРУСЬ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко 2018 йил 12-14 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Бўлажак олий даражадаги учрашув ва музокараларда икки томонлама ҳамкорликка доир кенг қўламини масалаларни муҳокама қилиш, сиёсий мулоқотни, савдо-иқтисодий, инвестиция, фан ва таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалар-

даги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган асосий йўналишларини белгилаб олиш режалаштирилган. Ўзбекистон ва Беларусь Президентлари минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашади. Ташриф доирасида Тошкент шаҳрида «Беларусда ишлаб чиқарилган» миллий кўргазмаси ташкил этилади, шунингдек, икки мамлакат ишбилармон доиралари

ва ҳудудлари раҳбарлари иштирокида кўшма бизнес ва ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтади. Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Кўшма баёноти, Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали дўстона алоқаларга янги суръат бахш этишга қаратилган салмоқчи давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўтилмоқда.

ЎЗА

ХАЛҚАРО МАҚОМ АНЖУМАНИ — ХАЛҚЛАРНИ ЖИПЛАШТИРГАН КЎПРИК



Дунёда шундай мерослар борки, уни ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди ва тарих чархпалаги қанча айланмасин, унга пугтур етмайди. Аксинча, асрлар ўтгани сайин унинг қиймати ошиб боради. Миллий мақомимиз ажодлардан

бизгача етиб келган ана шундай мерос ҳисобланади. У оддий мусиқа эмас, миллат тарихи, таъбир жоиз бўлса бугунги ва келажакимиз ҳамдир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда икк мартаба ташкил этилган халқаро мақом

анжумани ана шу бой меросимизни дунё аҳлига танитишга имкон берди. Дунё тамададунга тош қўйган ажодларнинг авлодлари ҳам оламга маърифат улашаётганига яна бир бор далил бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

JARAYON RAҲBARLAR MALAKA OSHIRDI



Бўстонлик туманидаги Ёшлар оромгоҳида “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармасининг туман (шаҳар) филиаллари раҳбарлари учун ўқув-семинари ташкил этилди. Жамғарма раҳбарларининг малакасини оширишга қаратилган тадбирда ташкилотнинг вазифалари, Давлат дастури доирасида ҳудудларда амалга оширилган ишлар таҳлили ва муаммолар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон ёшлар тadbirkorлигини қўллаб-қувватлаш маркази мутахассислари томонидан иштирокчиларга бу борада керакли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Семинарда ёшлар тadbirkorлигини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қара-

тилди. Ишсиз ёшларни касб-хунарга йўналтириш, “Yosh tadbirkorlar” коворкинг-марказлари ва “Yoshlar mehnat guzari” мажмуаларини ташкил этиш бўйича фикр алмашилди. — Ёшлар ўртасидаги ишсизликни бартараф этиш устувор вазифаларимиздан бири, — дейди “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси раҳбари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Бунёдбек Баҳромбеков. — Тadbirkorлик фаолиятини кенгайтириб, иқтисодий тизимини янада ривожлантирсак, янги-дан-янги иш ўринларини яратиб, юртимизда ишсизлар қатламининг кескин камайитиришга эришамиз. Ўқув-оромгоҳи якунида иштирокчиларга махсус сertiфикатлар топширилди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ESHITDINGIZMI?

9 РАҚАМЛИ ТИЗИМГА ЎТДИК

10 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғи 9 рақамли тизимга ўтишни бошлади. Ушбу амалиёт дастлаб пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида абонентлар учун жорий этилди. Улар 1 октябрдан бошлаб тўлиқ 9 сондан иборат телефон рақамларидан фойдаланади. Йил якунига қадар тизим республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этилади.



КЎПКАРИ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Қирғизистоннинг Иссиқкўл шаҳрида ташкил этилган Бутунжаҳон кўчманчи халқлар ўйинларида иштирок этган 11 давлат вакиллари томонидан қабул қилинган қарорга кўра, ушбу мусобақа 2019 йили Ўзбекистонда бўлиб ўтади. Бирок ҳозирча чемпионатнинг ўтказиладиган ҳудуди ва санаси аниқ эмас.

АЁЛЛАР УЧУН “ИШОНЧ ТЕЛЕФОН”ЛАРИ ИШГА ТУШДИ

Энди зўравонлик қурбони бўлган, ҳуқуқлари поймол қилинган аёллар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг “1146” — ягона телефон рақамларига кўнғироқ қилиши мумкин. “Ишонч телефон”лари хотин-қизларга оғир вазиятдан чиқиб кетишга ёрдам бериш билан бирга, уларга руҳий, тиббий ва ҳуқуқий кўмаклашади. Мурожаат қилувчиларнинг шахси ва муаммолари сир сақланади.



“CHEVROLET CAPTIVA” ЭНДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМАЙДИ

“General Motors” компанияси моделларни янгилаш борасидаги глобал стратегиясига мувофиқ, “GM Uzbekistan” заводидан ушбу автомобилни ишлаб чиқаришни яқунлади. Шунинг учун, “Chevrolet Captiva” автомобилни етказиб бериш бўйича шартномаларга аризаларни рўйхатдан ўтказиш 10 сентябрдан тўхтатилди.



Ўз ахборотимиз

ЎЗЛИКНИ САҚЛОВЧИ ОМИЛ

“Инсонни сўз айлади жудо хайвонинг” — деган эди Хазрат Алишер Навоий: “Бу илохий неъматни жон қадар севсақкина, мавжуд муаммолардан халос бўламиз”. Ҳуш, ҳар бир қалбда тилга муҳаббат уруғини кўкартириш учун нима қилиш керак?

2-саҳифага қаранг

ИШЛАЙДИГАН ДАВРИМИЗ КЕЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш борасидаги савий-ҳаракатлар чекка ҳудудларда фаолият юритаётган мактабларда ҳам кенг имкониятлар яратилади.

Айни вақтда мактабимизда «Обод маҳалла» дастури ижроси доирасида таъмирлаш ишлари якунига етай деб қолади. Бунга икки миллиард сўм маблағ сарфланмоқда. Шу жараёнда умумтаълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари, ёнғинга қарши сигнализация тизимини ишга тушириш, кириш йўлларида қоилбазурликларни

қайда этувчи қурилмаларни ўрнатиш каби чора-тадбирларни амалга оширишга ҳам эътибор қаратмоқдамиз.

Келгусида экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш ҳақидаги лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши, аввало, ота-оналарни, биз, педагогларни жуда қувонтирди.

Тез орада мактаблар, ўқув синфлари ичини янги қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, дарсликлар, ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади. Ўқув режалари ва дастурларини муқобиллаштириш, инновацион, масофавий

педагогик усуллардан кенг фойдаланиш, ушбу жараённинг самарадорлигини ошириш мақсадида умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борадаги амалий савий-ҳаракатлар фарзандларимиз камоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш, юксак салоҳиятли кадрларни соҳага жалб этиш, ҳуқуқий асослар орқали соҳани жадал ривожлантиришга қаратилган. Шундай экан, мазкур ислохотлар жараёнида фаол бўлиш, масъулият билан ёндашишни педагогик бурчимиз, асосий вазифамиз, деб биламиз.

МУХТАРАМ ЯКУБОВА,
Тошкент шаҳри
Мирзо Улугбек туманидаги
256-умумтаълим
мактаби директори.
Ў.А.

ХАЛҚАРО МАҚОМ АНЖУМАНИ — ХАЛҚЛАРНИ ЖИПЛАШТИРГАН КЎПРИК

(Бошланиши 1-саҳифада)

Юздан ортиқ мамлакатда тўғридан-тўғри

намоиш этилган нуфузли санъат байрами доирасида «Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон

цивилизациясида тўтган ўрни» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ҳам ўтказилди.



Устад Иқбал Ахмар Хан
(Ҳиндистон):

— Юртингизга илк мартаба келишимиз. Ўзбек ва ҳинд мусиқалари мақомларида фарқ бўлса-да, айрим жиҳатлари бир-бирига ўхшаркан. Бундай санъат анжумани кўпроқ ташкил этилса, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланади.



Марина Тошич
(Исроил):

— Ўзбекистон бежиз жаннатмақон дийр дейилмас экан. Бундай бой маданий мерос, тарих билан юзма-юз бўлиш ҳаёлимга ҳам келмаганди. Айниқса, майдондаги ўзбек тарихи ва маданиятини ифода этувчи саҳна кўринишлари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос павильонлари, ярмаркалар ҳамда миллий либослар кўргазмаси, дорбозлар чиқиши, театрлаштирилган саҳна кўринишлари, таомлар — барчаси мени лол қолдириди.



Димитар ТОДОРОВ
(Болгария):

— Анжуманга томошабин сифатида ташриф буюрдим. Бу ерда ташкил этилган мусиқали саҳна кўринишлари, ўзбек мақомини тинглар эканман, санъатсевар халқингиз ҳақидаги тасавурларим янада бойиди. Айниқса, мақом музейи ўзбек санъати билан кенгроқ танишишни имконини берди. Бунинг учун фестивал ташкилотчилари миннатдорлигини билдираман.



Мери Торос
(Швейцария):

— Фестиваль орқали юртингиз билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдим. Шу пайтгача ўзбек мақом санъати ҳақида тўла тасавурга эга эмасдим. Юртингизга сафарим ҳаётимдаги унутилмас кунлар бўлиб қолади, десам муболага бўлмайди. Юртингизга қайтганда, анжуман таассуротларини ватандошларимга сўзлаб бераман.

TA'LIM TARAQQIYOTI

САМАРҚАНДДА

Вебстер университети магистратураси очилади

Исматулла ДЎСТМУРОВОВ

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Вебстер университети (АҚШ)нинг халқаро алоқалар бўйича вице-президенти Питер Махер бошчилигидаги олимлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Вебстер университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Қайда этилганидек, жорий йилда икки олий таълим муассасаси ўртасида қатор келишувларга эришилади. Май ойида Вебстер университети вакиллари Самарқандга

келиб, институт фаолияти билан танишган бўлса, июлда эса самарқандлик олимлар Америкага ташриф буюрди.

Учрашув давомида америкалик мутахассислар томонидан Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчилари учун семинар-тренинг ҳам ўтказилди,

инглиз тилини ўқитиш бўйича фикр алмашилди.

Яқунда институтида «Инглиз тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш» академик дастури бўйича бир йиллик магистратура курсларини ташкил қилиш ва ўқув жараёнига америкалик профессор-ўқитувчиларни жалб этишга келишиб олинди. Бундан ташқари, истиқболда Самарқандда Вебстер университети талабалари учун «Ўзбек тили ва маданияти» ўқув курслари ташкил қилинади.



YUKSALISH

МУНОСИБ ИЗДОШЛАР МАКТАБИ

Шавкат ҚАРОМОВ

Серқуёш ва ҳур ўлкада туғилмоқ — бахт, унга муносиб бўлмоқ — бурч, оламни маҳлиё айлаган дийримиз шўхратини янада юксалтирмоқ — шарафдир...

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов номидаги мактаб ўқувчилари ана шу бахтни дилдан ҳис этиб, унга муносиб бўлиш учун астойдил уринаётди. Бунинг учун уларга барча имконият яратиб берилган.

Президентимиз 2017 йил февраль ойида Қашқадарё вилоятига ташриф қилганда сеvimли шоиримиз ҳайкалининг ўрнатиш лойиҳаси билан яқиндан танишиб, Абдулла Орипов номидаги мактаб, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган музей ташкил этиш бўйича тавсия ҳамда кўрсатмалар берган



эди. Қисқа фурсатда Қарши шаҳрида барчанинг бирдек ҳавасини келтирадиган замонавий мактаб-интернат қад ростлади.

Бу ерга ташриф буюраркансиз, шоир ҳайкалига боқиб, деворга битилган шеърларни бирма-бир ўқиб, у билан хаёлан

сўхбат қургандек бўласиз, гўё. Айниқса, кенг хиёлонинг, фаввораларга қараб буларнинг бари адабиётга, шеърятга бўлган рағбат ва эътибордан далолат эканини дилдан ҳис этасиз.

Бинога киришингиз билан сеvimли Абдулла Ориповга дахлдор эк-



понатлар диққатингизни тортади. Айниқса, шоир ётган бешик, Ватанимиз ва хориждаги шеърят муҳлислари томонидан тақдим этилган совғалар, оилавий портрет, фотосуратларни томоша қилиш, унинг ҳаётини чуқурроқ ўрганасиз.

Мазкур мактабда ўғил-қизлар таълими учун барча имконият яратилган. Шинам ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, маънавий зали, ёпиқ спорт майдончаси уларнинг хизматида. Шароитларни кўздан кечираркансиз, ўқувчиларга ҳавас қиласиз. Кўнглингизда улар қатори таълим олиш истаги пайдо бўлади.

142 нафар ўқувчи таҳсил олаётган таълим масканида ўттизга яқин педагог ёшларга сабоқ бераётди. Дарслардан ташқари нутқ маданияти, нотикли санъати каби ўнлаб тўғарак фаолият юритмоқда. Истеъодли ўқувчилар эса, алақачон ўзини намоён этган. Бугунга

қадар етти нафар ўқувчининг шеърини китоби чоп этилди. Уч нафар ўқувчининг ижодий машқлари эса, баёзлардан жой олган.

Бошқа тенгдошларга ўрнатилган мактаб-интернатдаги бошланғич ташкилот атрофида жам бўлгани ҳам қувонарли. Ёшлар етакчиси Бобур Болтаев сардорлар билан биргаликда ўқувчиларнинг тақлифларини ўрганиб, муаммосига ечим топишда кўмак бермоқда. Бунга эса, ўқувчилар ўқиш ва ўрганиш билан жамоат бераётди. Масалан, Дилнавоз Муродова ва Гуноза Ҳамидова Абдулла Орипов шеърларини инглиз тилига таржима қилаётган бўлса, Эъзоза Алишерова Японияда ўтказилган халқаро симпозиумда шoirнинг шеърларини инглиз ва япон тилларида ўқиб, иштирокчиларда катта таассурот қолдириди. Қисқа муддатда мазкур мактаб ўқувчилари эришган ютуқлар билан танишиб, улар билан яқиндан сўхбатлашар экансиз, ҳар бири келажакда халқимиз хизматига қамарбаста бўладиган ёшлар эканига ишонасиз.

MENTING FIKRIM

САЛОМАТЛИКНИ «ЗАРАРСИЗ» «ҲУЗУР»ГА АЛИШМА!

Зебо МУРОДОВА

Ишдан қайтаётиб, кўчада бир йигитнинг рўқсани озгига солиб турганини кўриб гашим келди. У анчайин пўрим кийинган, келишган эди. Бу иш унга сираям ярашмасди. Эътибор бериб қарасам, бу рўқса эмас, электрон чилим экан.

Ижтимоий тармоқда янгиликларни кўриб утирган укамни кузатиб туриб, бир суратга кўзим тушди: қиз бола электрон чилимни ўшлаганча оғиздан тўтун чиқариб турарди. Тагига шундай изоҳ қолдирилган: «Ҳақиқий махикалар танлови. Азизам, чекишни ташла ва ҳузурнинг зарарсиз манбаини танла. Замон билан ҳамнафас бўл!».

Тарғибот усулини қаранг. Изоҳдан сўнг дўконнинг манзили ва телефон рақами қолдирилган экан. Ваҳоланки, «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, бундай махсулотларни чекишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасавурини шакллантирувчи гоғялар ва бадий образларни очик ёки яширин шаклда

тарқатиш билан бирга, уларни олиш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш мумкин эмас.

Қизиқиш устунлик қилиб, рақамларни тердим. Чилим ҳақида сўрашимни биламан, сотувчи уларнинг турини номма-ном санаб кетди. Рўқса шаклидаги 200 минг сўмдан бошланар экан. Шу бемаъни нарс шунча пул турса-я. Ахир, бунинг ўрнига бир неча китоб харид қилиш мумкин-ку. Эсим...

Кўпчилик ушбу матоҳни «мода»си учун сотиб оляптию, зарари ҳақида эса, ўйлаб ҳам қўргани йўқ. Ишлаб чиқарувчилар электрон чилимни зарарсиз, чекишни ташлашга кўмаклашадилар, ўрганиб қолмай-сиз, дея ҳар солса-да, у организм учун зарарли бўлган кимёвий моддалар билан тўла. Бу «замонавий» мослама, айниқса, астма,

аритмия, тахикардия, гипертония, кислород етишмаслиги, юрак-қон томир тизими хасталиқлари билан оғрийдиган беморлар ҳамда ҳомиладор аёллар соғлиғи учун жуда хавфли.

— Кимёвий моддалар ёрдамида ҳосил қилинган буғ ўпка, бурун шиллик қавати ва томоққа кириб ачиштириши, аллергик реакцияларни пайдо қилиши мумкин, — дейди шифоқор Саида Қаринова. — Шунингдек, тўтун юрак артериясини торайтириб, кислород киришига ҳалақит беради. Электрон чилимларнинг ҳаммаси ҳам айтилганидек никотинсиз бўлавермайди. Бу модалар инсон танасида секин-аста йиғилиб, иммунитетни туширади, тобеликни келтириб чиқаради, никотин ва ароматизаторлар ўсмирнинг мия ривожланишига жиддий зарар етказида.

Замон билан ҳамнафас бўлиш яхши, аммо урфга кирган барча нарса ҳам биз учун фойдали эмас. Энг асосийси — саломатлик. Ўзимизни зарарлардан асрайлик! Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ўз ҳиссамизни қўшайлик.

AKS-SADO

Бахтиёр БЎКАЕВ

80-йилларда илк бор пойтахтга келганимда, шахар кўчаларидаги турли ёзувлар диққатимни тортганди. Таассуфки, барчаси рус тилида ёзилган. Ушундан дилмада ўзбек тили йўқлиги кетармикан, деган хавотир пайдо бўлган. Кейинчалик шахарда яшаш жараёнида бу ташвиш бот-бот борлигини исканжага олган.

Кўча-кўйда, транспортда, шифохонада, ишхоналарда, ҳулмас, барча жамоат жойларида рус тилини билмасангиз, «қизил чироқ» ёқиларди. Бир кун уртотим ярим кечаси оғриб қолганда, «тез ёрдам»га кўнтриқ қилиб ўзбекча гапирсам, «по человечески говори», дея гўшакни кўйганини эсламан. «Дард устига чиққон» деганларидек, айрим миллатдошларимизнинг ҳам ўзбекча-русча сўзлар қоримасидан иборат галати «тил» яратгани, нашрларимизда ўзбекча эквиваленти бўла туриб русча атамаларини ноўрин тикиштирилиши тилимизга жиддий таҳдид соларди.

Шўқри, фидойилар топилди. Катта қиянчиликлар билан бўлса-да, мустақилликкача ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Аммо том маънода тилимизнинг

ЎЗЛИКНИ САҚЛОВЧИ ОМИЛ

ўниб-ўсишига истиқдол замин бўлди. Бугун ўзбек тилининг ўз элида қаари улуг. Энг ўқори минбарлардан она тилимиз янграётгани, давлат тили имкониятлари қўламининг кенгаётгани, ўзбек тили фани ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилаётгани, 5 жылдан «Ўзбек тили йўқлиги кетармикан, деган хавотир пайдо бўлган. Кейинчалик шахарда яшаш жараёнида бу ташвиш бот-бот борлигини исканжага олган.

Энди кўчаларимиздаги ёзувлар масаласи гашига тегапти. Биринчидан, ҳамма ҳам тушунаривмайди ажабий тиллардаги сўзлар қалалиб кетаётган бўлса, иккинчидан ўзбекча сўзлар имло-сига ҳам путур етмоқда. Шунча имконият бўла туриб, фойдалана олмасак, уят эмасми? Ахир, тил — миллатнинг юзи. Фақатгина у билан халқ ўзлигини асрайди.

Бир воқеа ҳеч қачон кўз олдидан кетмайди. Ишхонамиз дарвозасига сайлов муносабати билан шoir илаётган эдик. Ёнимиздан ўтиб кетган ўзбек аёл тезда орқасига қайтиб, русча ёзувда хатолик борлигидан огоҳлангани: «И» ўрнига «и» ёзилган экан. «Бунга йўл қўйиб бўлмайди», — дея ташвишланди у. Мен эса ҳар ерда хатолари гоғлаб кетган ўзбекча сўзларни эслаб, алланечук аҳволга тушдим. Ўз тили тақдирига белигиз миллатдошларимиз кўпчилигидан оғриндим. Куюнчак аёлнинг ўзбек тили учун ҳам шунчалар жони ачирмикан, деб ўйладим...

«Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин», — деган эди Ҳазрат Алишер Навоий. Бу илоҳий неъматни жон қадар севасанки, мавжуд муаммолардан халос бўламиз. Ҳўш, ҳар бир қалбада тилга муҳаббат уруғини кўкартириш учун нима қилиш керак?

Назаримизда, қалаванинг учи она алласидан бошланади. Босиси унда мурғак тийнатининг ўзлигини уйғотувчи сеҳр бор. Афсуски, кўпгина оналар алла айтишини ҳам билмайди. Фарзандининг эртага ажадлари, миллати шаънига лоқайд кимса бўлиб воғяга етмаслигининг олдини олиш унчалик

ечимсиз муаммо эмас. Аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиб, қорақўларимиз қалб боситига жойлашимиз керак. Бу — савоб. Шунда ажадлар оиладаги бурчимизни адо этган бўламиз. Келгусида авлодлар ҳам биздан рози бўлади. Истиқболда наврасталар бўлакамун каби тусланиб эмас, ҳақиқий ўзбек бўлиб воғяга етади, ўзгалар олдида мағрур қад кўтариб юради.

Афсуски, бизда тилга тегишли масалалар, асосан, ҳар йили 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун арафасида пайдо бўлади. Шундан сўнг ҳамма айтилган гап-сўзлар унутилади. Жорий йилда таниқли олимларимиз тилга доир ҳуқуқий ҳимояловчи бирорта жамоат ташкилоти йўқлиги учун Махсус лингвистик комиссия ташкил этиш тақлифини илгари сурган эди. Лекин ҳанузгача натижа йўқ. Тақлиф ҳам, ташаббус ҳам айтилган жойида қолиб кетди.

Бугун дунёда юзлаб тиллар йўқликка юз тулмоқда. Ўлик тилга айланганлари қанча. Тасаввур қилинг, бутун бир миллат ўзининг асрий ҳис-туяғуларини, уй-хаёлларини, орзу-армонларини дафн этмоқда. Шўқри, ўзбек тили миллион-миллион одамларнинг маънавий эҳтиёжини қондираётди. Унинг қадрига етиш, севиб-ардоқлаш, ҳурматини сақлаш ҳар бир миллатдошимизнинг муқаддас бурчи саналади.

Ш.МУСАЕВ

МУСТАҚИЛЛИК МАРАФОНИ

барчани бирлаштирди

Ёшлар иттифоқи, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган беллашув ёшларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли таъминлаш, маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, улар “Ёшлар тур” веломарафонда ҳам ўз имкониятини синовдан ўтказди. Уч ёш тоифасида ўтказилган баҳсларда иштирокчилар “Энг ёш пойгачи”, “Пойгачилар оиласи”, “Энг маҳоратли техник пойгачи” ҳамда “Фахрий пойгачи” каби йўналишлар бўйича ҳам тақдирланди.



Республика бўйлаб ўтказилган югуриш марафонларида 142 минг нафардан зиёд, веломарафонларда эса, 16 минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.



Қашқадарё

“Мустақиллик марафони” Қарши шаҳрида кўтаринки руҳда ташкил этилди. 12 километр масофани ўз ичига олган мусобақада 10 минг нафарга яқин спортсевар ёш қатнашди. Мусобақа ғолиблари Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди.



Сурхондарё

Термиз шаҳрининг “Баркамол авлод” кўчасидан “Ислом Каримов” кўчасигача бўлган масофада старт олган марафон сурхон ёшларига олам-олам қувонч тўхфа қилди.

Уч ёш тоифасида ташкил этилган марафон ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, фаол иштирокчиларга ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Самарқанд

Кўҳна кентда ўтказилган марафонда 3 минг нафарга яқин ёш иштирок этди. Қўвоннарлиси, улар билан бирга фахрий меҳмонлар ҳам марафон пойгачиларида ғолиблик учун беллашди. Яқунда ўғил болалар баҳсида Отабек Тошпўлатов зафар қучган бўлса, қизлар ўртасидаги пойгачиларда Маржона Баратовга тенг келадиган рақиб топилмади.

Навоий

Навоий шаҳрида ҳам спортнинг югуриш тури бўйича “Мустақиллик марафони” билан биргаликда “Ёшлар тур” веломарафони ўтказилди.

Беллашувларда 13 минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этди. — Маррага биринчилардан бўлиб етиб келдим, — дейди Навоий шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчиси Нигина Рустамова. — Бу каби спорт мусобақаларининг ўтказилиши биз, ёшларнинг бўш вақтимизни мароқли ўтишига кўмак беради.

Тошкент

Пойтахтимизда ҳам 10 километр масофага ўтказилган марафонда

ўғил болалар ўртасида Владислав Мамадов, қизлар ўртасидаги баҳсларда эса, Марина Хмелевская биринчи ўринни қўлга киритди. Веломарафонда эса, Жавоҳир Эгамбердиев

финишга биринчи бўлиб етиб келган бўлса, қизлар ўртасидаги пойгачи Нафосат Козиева ғолиб бўлди. Ғолиблар медал, диплом ҳамда спорт велосипедлари билан тақдирланди.

Жиззах

Вилоят марказидаги Шароф Рашидов кўчаси ҳам тонг саҳардан “Мустақиллик марафони” иштирокчилари, томошабинлар билан гавжум бўлди. Марафонга “Сўғдиёна” спорт мажмуаси олдидан старт берилди. — 7 километр масофани босиб ўтдик, — дейди мусобақа ғолиби,



Жиззах давлат педагогика институти талабаси Бехзод Сафаров. — Дустларим билан биргаликда

тез-тез шунақа беллашувлар ўтказиб тураимиз. Бугунги таабирда ғолиб бўлганимдан хурсандам.

Мухбирларимиз

TASHABBUS

МАҲОРАТ ЯНА БИР ҚАРРА ОШДИ

Наргиза ҚОРАБОЕВА

Термиз шаҳридаги Халқаро болалар оромгоҳида ёш етакчилар учун “Leaders camp — 2018” ўқув-семинари ташкил қилинди.

Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган таабирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 150 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Бир ҳафталик семинар давомида иштирокчилар етакчилик маҳорати, жамоа билан ишлаш ҳамда чет тиллари бўйича ўз



билимини янада мустаҳкамлади. Лойиҳа давомида ёшлар учун Термиз шаҳрининг диққатга сазовор

жойларига саёҳат ташкил этилди. Яқунда барча иштирокчиларга маҳсул сертификатлар топширилди.

“YOSHLAR — KELAJAGIMIZ” DAVLAT DASTURI — AMALDA

ИЛҲОМЖОН ФЕРМЕР БЎЛМОҚЧИ

Зарнигор НАФИДИНОВА

Бухоро вилоятида “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳудудда “Бир фермерга бир ёш” лойиҳаси бўйича 327 нафар ишсиз йигит-қизга ер майдонлари ажратилди.

Қоровулбозор туманида истиқомат қилувчи Илҳомжон Облоқулов ана шундай ёшлардан биридир. Тенгдошимизга “Илҳом юлдузи” фермер хўжалиги томонидан икки гектар ер майдони берилди. — Менга ажратилган ер

майdonида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, мўла ҳосил олишни мақсад қилганман, — дейди у. — Насиб этса келгусида ўз фермер хўжалигимни ташкил қилиб, юртимиз равнақига ҳиссамни қўшаман.



MULOHAZA

КАСБ МУСТАҚИЛ ТАНЛАНСА...

Маммура ХЎЖАҚУЛОВА

Болакай бувисига тинимсиз савол беради: — Буви, ойм ва дадам ҳам боғчага борганми? Нега менинг укам йўқ? Мен қандай пайло бўлганман? Нега қиз бола эмасман?.. Саволлар қуршовида қолган аёл набирасига ўшқиради: — Бас қилсанг-чи! Бемаъни гапларинг билан бошимни огритиб юбординг.

Тасаввурлари ичига сиймаётган болага бундай муносабат қандай таъсир кўрсатади? Шундай пайтда у саволларига жавобни ташқаридан излай бошлайди. Афсуски, ташқи таъсир доим ҳам ижобий бўлмайди.

Эркак киши — кўчанинг одами. Фарзандларнинг тарбияси билан асосан она шугулланади. Аммо дадам ишдан келиб, мен ва сингилларим ўқишини назорат қиларди. Унинг: “Қизим, агар кўпайтириш жадвалини ёдласанг, ўзинг танлаган сумкани олиб берман”, — дегани ҳали ҳам ёдимда. Шу йўсин ўқишга



қизиқшим ортган. Езги таътилда синглим билан беллашув уюштирилди, бадий асарни юм биринчи ўқиб тутатса ва мазмунини айтиб берса, совға оларди. Ота-онам бундай усуллар билан ўқишга бўлган иштиқимизни оширар эди. Ёш авлод қизиқишларини рағбатлантириш

фақатгина онлада эмас, балки таълим муассасасида ҳам давом этса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бошланғич синф ўқитувчиси Зилола Болтаева: “Ким “Ҳафта ғолиби” бўлса, расмининг аълочилар доскасига чиқараман”, — деб ўқувчилар ўртасида мусобақа ташкил

қиларди. Ҳафта давомида энг кўп баҳо олган ўқувчининг расми аълочилар сафидан жой олар эди. Боланинг ҳамма қизиқишини ҳам рағбатлантириб бўлмайди. Хўш, бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак?

Ҳар бир ота-она фарзандига эркин танловни бериб, қўллаб-қувватласа, навраста танлаган соҳасида гуллаб-яшнайди. Бола қизиқишларини четлаб ўтиш, ота-она айтган касбни эгаллашига бўлган мажбурлов кўпинча салбий оқибатга олиб келади.

Оддий бир мисол: “Рассомлик ҳам иш бўптими? Бобонг ҳам, мен ҳам шифокоримиз. Наслимиздан рассом чиқмаган. Сен ҳам врач бўлишинг керак”, — дея фарзанди қизиқишини бир четга сурганларни ҳам кўрганмиз. Бировнинг қистови билан касб эгаллаган ёшлардан етук мутахассис чиқишини ҳеч ким қафолатламайди.

Бола жавобини оилдан топса, қизиқишлари етарлича рағбатлантирилса етук кадр бўлибгина қолмай, балки яхши инсон ҳам бўлиб етишади. Унда масъулият ҳисси шаклланади.

Жинойятчи жинойятчи, файласуф файласуф бўлиб туғилмайди. Ҳамма гап болаликда берилган тарбия ва рағбатда. Бугунги навраста эртага жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч. Унинг қизиқишларини рағбатлантириш, тўғри йўл кўрсатиш учун барчамиз масъулмиз.

YOSHLIK ILHOMI

Rahmat BOBOJON

Mo'jiza

“... Agar bu xabarni beshta odamga yuborsangiz mo'jiza sodir bo'ladi”. U SMSni darhol bir nechta odamga yubordi. Birozdan so'ng kayfiyati buzildi:

— Hech qanday mo'jiza sodir bo'lmadi-ku!

Yonidagi singlisi hazil aralash piching qildi:

— Shuni anglab yetganingizning o'zi bir mo'jiza emasmi, opajon?..

“Yaxshi” do'st

Men judayam xafaman: bir emas, uch marta adashdim... Lekin bir tarafdin xursandman. Axir, kecha do'stim to'rtinchi marta adashgan edi-da.

Porani yo'q qilamiz!

— Pora olish qachon yo'q bo'larkan-a?! Odam ezilib ketdi!
— Buning iloji bor, birodar.
— Yo'g'-e, nahotki?!
— Ha-da. Yer yuzidan umuman yo'q qilib tashlaymiz... Qancha berasiz?

Bolalar uyida

U bolaning boshini siladi va tarbiyachiga yuzlandi:
— Bu bola yangi, — dedi horg'in ohangda.
— Keyingi shanba tug'ilgan kunini nishonlasak, nima deysiz?
Boyagi odam battar jiddiylashdi:
— U kuni yana uchta bolaning tug'ilgan kuni bor emasmi?
— ...

KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR

NIMA GAP?

Islomjon QO'CHQOROV

Kimga qanday bilmadim-u, lekin shu savol o'lgudek jonimga tegdi. Uni deyarli har kuni qayta-qayta eshitaman.

Telefonda uzundan-uzoq gap sotishni yoqtirmayman. Ammo ko'pdan buyon ko'rishmagan tanishim bo'lsa, mayli — bu boshqa masala. Talabalik yillarida qalin do'stimga aylangan kursdoshimni sog'inib, unga sim qoqdim.

— Qandaysan? — doimgidek xush kayfiyat bilan javob berdi u.

— Yaxshiman, o'zing-chi? Sog'-omonmisan, ishlaring joyidami? — deb quyuq so'rashdim.

— Shukur, hammasi yaxshi. Nima gap?

Uning favolidan “nima ilinjida yo'qlading?” degan ma'noni uqib o'ng'aysizlandim va:

— Hech gap, o'zim shunchaki hol-ahvol so'rab qo'yay degandim.

Yana biroz u-bu mavzudan gaplashib, xayrlashdik.

Dardiga davo topolmayotgan xastadek ilinj bilan boshqa raqamni teraman.

— Allo, ha, do'stim? Yaxshimisiz?

— Rahmat. O'zingiz qanday?

— Zo'r. Nima gap? Hech bir muddasiz, shunchaki yo'qlamoqchi bo'lib sim qoqqanimni aytaman.

“Ha, shundaymi?”. “Shun-

day”. Xayr-xo'sh.

Endi o'chakishishmi, yo bo'lmasa, qadr-qimmat sinovimi, xullas, ichimda allaqanday tushuniksiz bir og'riq ila navbatdagi raqamni izlayman.

— le, jo'rajon, bormisan? Xayriyat-e, ko'nglim biroz yorisha boshladi.

— Ha, borman, yaxshimisan? Sog'lig'ing qanday?

— Rahmat, yaxshi. Nima gap, jo'rajon?

Chidab turolmadim.

— Hech gap yo'q! G'irt bekorchil bo'lib, qilarga ish topolmay turuvdim. Qo'rq-

ma, qarz so'ramayman, biron narsa haqida iltimos ham qilmayman, shunchaki hol-ahvol so'rash uchun telefon qilgandim, — deb yubordim.

Do'stimni anchadan buyon hech kim bunday yo'qlama-

gan, shekilli, biroz jim turdi-da, keyin birdan qah-qah otib yubordi. So'ng o'zini kulgidan to'xtatib:

— Rahmat, jo'rajon, rahmat! Qara, qanday oqibatsiz, bemehr bo'lib ketganmiz-a?

— dedi. Men ham bo'sh kelmay:

— Shunaqasizlar-da! — dedim.

Bir muddat ish yuzasidan olis Surxon vohasiga qat-

nashga to'g'ri keldi. Har gal yangi-yangi odamlarga duch kelaman. “Yo'l bo'lsin”, — deb qo'yadi kirakashlar ham. Yo'lovchi mashinada ketar ekanman, borar manzilim haqida obdon so'rab olganimdan keyin haydovchi:

— Mehmonga o'xshaysiz-a? — deydi. Tasdiq ma'nosida bosh igr'ayman.

— Gurung bering, mehmon, — birozdan so'ng yana tilga kirdi haydovchi. Av-

valiga biroz o'ng'aysizlanib turdim-da, har holda “Nima gap?” demaganiga xursand bo'lib, u yoq-bu yoqdan gapira boshladim. Negadir bu iborada qandaydir iltifot bor-

dek, suhbatdoshga nisbatan mehr va xayrixohlik ustunde

tuylaveradi menga.

... Deyarli har kuni ikki-uch marotaba xonamga kirib,

“holimdan xabar olib ketadigan”, o'zini haliyam rahbariyat a'zosi deb hisoblaydigan narigi bo'lim boshlig'ining:

“Nima gaplar endi ...jon?” — degan gapini eshitaman.

— Mana o'z vaqtida ishga keldik. Endi ishlayapmiz, — deyman g'azabimni bazo'r bosib. Yuziga ingan qizillikni bilintimaslik maqsadida tezda chiqib ketayotgan “rahbariyat a'zosi”ning bu holatini ko'rib, biroz tasmin topaman: demak, hali umid bor.

Rosa-a boshingizni qotirib yubordimmi? Bizda shunday gaplar-da, og'ayni. Qo'ying, bu gaplarni. O'zingizdan gapiring, sizda nima gap?

SEN HAYQIRIB QOLGUNCHA TILDAN, VATANPARVAR BO'L, DO'STIM, DILDAN



She'ra-tasvir muallifi: Jahongir MIRZO.

BILASIZMI?



Ota-ona yoki ularning o'rmini bosuvchi shaxs bolaning maktab yoki o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi olishiga to'sqinlik qilsa, 921 500 so'mdan 1 834 000 so'mgacha bo'lgan miqdorda jarimaga tortiladi.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali.

HIKMAT

Raqamni cheksiz ko'paytira va kamaytira oladigan to'rt amalni tuzdim. Bunda imkon keng. Lekin bu amal faqatgina olovga xizmat qildirilsa, olam yonib ketadi! Faqat suvga xizmat ettirilsa, dunyoni suv bosadi! Uni borlik zamirida yotgan to'rt unsurga teng tobe etmak kerak!

Muhammad al-Xorazmiy

“ILMLAR MANBAI” bilimdonlik mashqlari

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28			